1-ŞÖBA · VETERINARIYA MEDITSINASI VA HAYVONLAR SALOMATLIGI

ЙИРТҚИЧ БАЛИҚЛАР ГЕЛЬМИНТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ҲОЛАТИ

ПАРАХАТОВ А.Р.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали,

DOI
10.66073/ReFocus-Conf/1311033

NASHR SANASI
13.11.2026 · Nukus

SAHIFALAR
180–184

NASHR HAMKORI
Research Focus
ISSN 2181-3833

IQTIBOS UÇUN Парахатов А.Р. Йиртқич балиқлар гельминтларининг ўрганилиш ҳолати // Veterinariya meditsinasi va çorvaçilikdagi dolzarb muammolar va ularning yeçimlari: xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik anjuman materiallari. – Nukus, 2026. – B. 180–184. – DOI: 10.66073/ReFocus-Conf/1311033

Кириш. Дунёда балиқчилик хўжаликлари аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Балиқларнинг юқори серпуштлиги, тез ўсиш хусусияти, кўпайтириш харажатларининг нисбатан камлиги ҳамда балиқ маҳсулотларига бўлган талабнинг тобора ортиб бориши балиқчилик соҳасини янада ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Балиқчилик хўжаликларида балиқларни кўпайтириш ва парваришлаш жараёнида, шунингдек, улардан олинадиган маҳсулотлар сифатининг пасайишида гельминтлар муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Инвазион касалликлар балиқлар орасида кенг тарқалган бўлиб, маданий ва саноат балиқчилигига сезиларли иқтисодий зарар етказади. Бундан ташқари, паразитар касалликлар қимматли балиқ турларини иқлимлаштириш жараёнига салбий таъсир кўрсатиб, айрим ҳолларда уларнинг оммавий нобуд бўлишига сабаб бўлади.

Шу муносабат билан, йиртқич балиқлар организмида паразитлик қилувчи гельминтларнинг тур таркибини аниқлаш, уларнинг тарқалиш хусусиятлари ва балиқлар организмига таъсирини ўрганиш, шунингдек, гельминтоз касалликларининг олдини олиш ҳамда уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг мақсади. Йиртқич балиқлар организмида паразитлик қилувчи гельминтларнинг тур таркибини аниқлаш, улар орасида кенг тарқалган ва балиқчилик хўжаликларига иқтисодий зарар етказувчи турларни ўрганиш, шунингдек, мазкур йўналишда кўп йиллар давомида олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳамда мутахассис олимлар томонидан чоп этилган илмий адабиётлар натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари. Республикамизнинг турли минтақаларида жойлашган балиқчилик хўжаликларида кўп йиллар давомида олиб борилган илмий тадқиқот материаллари мазкур ишнинг асосини ташкил этади. Тадқиқотлар жараёнида балиқларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражаси, паразитларнинг тур таркиби ва тарқалиш хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Балиқларни гельминтологик текшириш ишлари академик К. И. Скрябин (1928) томонидан тавсия этилган тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик ёриб текшириш усуллари асосида амалга оширилган [21]. Ушбу усуллар балиқларнинг ички аъзолари ва тўқималарида паразитлик қилувчи гельминтларни аниқлаш, уларни йиғиш, тур таркибини ўрганиш ҳамда паразитларнинг балиқлар организмида тарқалиш хусусиятларини баҳолаш имконини беради.

Тадқиқот натижалари ва уларни таҳлили. Тадқиқотлар натижасида Республикамизнинг турли минтақаларида жойлашган балиқчилик хўжаликлари, шунингдек, табиий ва сунъий сув ҳавзаларида балиқлар гельминтофаунасини ўрганиш бўйича кўп йиллар давомида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Шу билан бирга, мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб борган гельминтолог олимлар томонидан чоп этилган илмий мақолалар, монографиялар ва ҳимоя қилинган диссертациялар ўрганилиб, уларда келтирилган маълумотлар умумлаштирилди.

Республикамизда балиқлар организмида паразитлик қилувчи гельминтлар, эктопаразитлар ва паразит содда ҳайвонлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлиб, тадқиқот ишлари асосан Орол денгизида олиб борилган. 1870 йиллардан то 2000 йилларга қадар балиқлар, хусусан йиртқич балиқлар организмида 360 дан зиёд 8 типга мансуб паразит турлари қайд этилган. Олиб борилган тадқиқот натижалари қатор назарий ва амалий ишларда ўз аксини топган [16,17,18,19,22,25,10,1,2,3]. Тадқиқотлар натижалари турлар хилма-хиллиги бўйича книдоспоридия ва моногения гуруҳлари доминантлик қилиши қайд этилган.

Орол денгизи табиий ва сунъий сув ҳавзалари йиртқич балиқлари паразитлари тур таркибини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаги, худудда геогельминтлар доминантлик қилиши характерлидир. Балиқларнинг паразитлар билан умумий зарарланиш 60.2-90.2% ташкил этади, айрим ҳолатларда 100% гача етиши исботланган. Трематодалар билан зарарланиш – 55.6-89.9%, цестодалар – 13.8-52.4%, нематодалар – 56.8-84.3% билан зарарланиши кузатилган.

О.С.Османов [15] Орол денгизидаги балиқларнинг паразит фаунасидаги узоқ муддатли ўзгаришларни таҳлил қилган. Натижада орол денгизи балиқларида 215 тур паразитларни аниқлаб, шундан 23 тур паразитлар иқлимлаштирилган балиқларда учрашини қайд этган. Кўплаб балиқ паразитлари динамикаси озуқага боғлиқлигини аниқлаган.

А.И.Курбонова А.Н.Уразбаев, О.Ю.Юсупов [10] Жанубий Орол денгизи минтақасида юқори босим таъсирида баъзи балиқ турларининг паразитлар фаунасидаги ўзгаришларни кузатишган. Балиқлар паразитофаунаси инсон таъсири остида назорат қилиниши, балиқ паразити турлари, доимий юқори зарарланиш

даражасига эга патоген турлар, балиқ касаликларини қўзғативчилар ва экологик омилларини изоҳлаб беришган.

С.Б.Каримов [8] Фарғона водийсида балиқлар паразитларини инвентаризация қилган. Тадқиқот ишлари олиб борилган худудда 11 та янги турлар қайд этилган. Муаллиф Фарғона водийси сув ҳавзалари балиқларида 115 турга мансуб паразитларни (паразит содда ҳайвонлар – 32 тур, моногенеялар – 47, ясси чувалчанглар – 17, юмалоқ чувалчанглар – 8, тиканбошлилар- 3, зулуклар – 2 ва кисқичбақасимонлар – 6) қайд этган.

Э.Б.Шакарбоев [23] Ўзбекистон сув ҳавзаларида 5 туркум, 11 оила ва 16 авлодга мансуб 29 тур трематода турларини қайд этган. Уларнинг 18 тури вояга етган шаклда ва 11 тури личинкалик босқичида паразитлик қилиши маълум бўлган. Трематодалар балиқларнинг 6 туркумида паразитлик қилиши исботланган.

Г.Б.Алламуратова [1] Хоразм ҳавза ҳўжалиги балиқ паразитлари ва уларга қарши курашиш йўлларини таҳлил қилиб, балиқ касалликлари, доминант паразит турлари, инвазия интенсивлиги ва экстенсивлиги, касалликни даволаш усуллари тўғрисида илмий маълумотлар берган.

Р.Караев, С.Дадаев, Х.Хакбердиева [9] Мирзачўл канали балиқларининг паразит фаунасини ўрганган. Текширилган 152 нусха балиқларда 58 тур паразитларни аниқлаган. Оддий лаққада 23 тур, қизилкўз балиғида 18 тур, кумуш товон балиғида 12 тур, сазанда 7 тур туркистон мўйловдорида 5 тур паразитлар аниқланилган. Сирдарё вилояти сув ҳавзалари балиқларининг паразитар касалликлари, балиқ турлари, гельминт турларини изоҳлаб берган.

Б.Алламуратов, Г.Б.Алламуратова [4] қатор сув ҳавзалари балиқлари паразитларини зоогеографик таҳлил қилган. Балиқлар гельминтлари зоогеографик жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаганлигига эътибор қаратилган.

Ф.Э.Сафарова [20] Ўзбекистоннинг шимоли – шарқий қисми сув ҳавзаларида карпсимон балиқлар гельмиинтлари тур таркибининг замонавий ҳолатини ўрганган ва уларда 3 тип, 4 синф, 15 туркум, 26 оила ва 36 авлодга мансуб 49 тур гельминтлар паразитлик қилишини қайд этган. Ушбу гельминтларнинг аксарияти йиртқич балиқларда ҳам учрашлиги адабиётлардан маълум.

У.А.Шакарбаев [24] Ўзбекистон шимолий-шарқий сув ҳавзалари моллюскаларида (Gastropoda: Pulmonata) трематода церкарияларининг фаунаси ва экологияси ўрганиб, чучук сув моллюскаларида 2 та кенжа синф, 10 та туркум, 12 та оила, 20 та авлодга мансуб 25 та тур трематода церкариялари фаунаси аниқланилган, шулардан, Ўзбекистон фаунаси учун 1 тур ва ўрганилган ҳудуд учун 8 та авлодга мансуб 10 та тур трематода церкарияси қайд этилган.

Г.Б.Алламуратова [5,6] Хоразм балиқ ҳўжаликларининг паразитофаунасини ўрганиб, Хоразм балиқ ҳўжаликларида 79 тур паразитларни аниқлаган. Саёд-ёп каналида 54 тур, балиқчилик ҳўжаликларида 67 тур, коллекторларда 28 тур, кўлларда 12 тур балиқ паразитларини қайд этган. Хоразм ховуз хўжалликлари балиқлари паразитозлари эпизоотологик хусусиятлари ўрганилган ва гельминтозларнинг олдини олиш чора тадбирлари ишлаб чиқилган.

А.И.Курбанова ва б. [11,12,13] Қорақалпоғистон Республикасининг баъзи сув ҳавзалари балиқлари паразитофаунасининг хилма-хиллигини ўзгаришини

ўрганганиб, паразитларнинг тур таркиби, зарарланишнинг инвазия интенсивлиги ва инвазия экстенсивлиги тўғрисида маълумотлар келтирган. Сув сатҳининг пасайиши, шўрланишнинг ортиши ва Оролбўйи сув ҳавзалари деградацияси натижасида кўп паразитларнинг тарқалиш худудлари қисқарганлиги ва улар хўжайинлари миқдорининг камайганлиги таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотларда Амударёнинг қуйи оқимидаги 4 турдаги йиртқич балиқларнинг паразитлар фаунасидаги ўзгаришлар, балиқларнинг паразитлар билан зарарланиши юқори бўлган патоген турлар, касаллик қўзғатувчилари ва ҳудуднинг экологик шароитлари тўғрисида сўнгги маълумотларни келтириб ўтган.

З.Б.Алламуратова ва б. [7] Амударё қуйи оқими сув ҳавзалари балиқлари паразитлари фаунаси ва экологиясини ўрганган. Текширилган сув ҳавзаларида 13 та гуруҳга мансуб 70 тур паразитлар қайд этилган.

Хулоса. Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда, жумладан, Амударё қуйи оқими сув ҳавзаларида балиқлар паразитлари фаунаси ва экологиясини ўрганиш бўйича муайян тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, З. Б. Алламуратова ва бошқалар (2021) томонидан олиб борилган тадқиқотларда 13 та гуруҳга мансуб 70 тур паразит аниқланган. Бироқ, йиртқич балиқлар гельминтларининг тур таркиби, тарқалиши, биологик ва экологик хусусиятлари етарлича ўрганилмаган.

Шу боис, йиртқич балиқлар гельминтофаунасининг замонавий ҳолатини аниқлаш, паразит турларнинг рўйхатини шакллантириш, доминант ва эпизоотик аҳамиятга эга турларнинг биологияси ҳамда экологиясини ўрганиш, шунингдек, паразитар инвазияларнинг олдини олиш ва уларни чеклаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Алламуратова Г.Б. Хоразм ҳавза ҳўжалиги балиқ паразитлари ва уларга қарши курашиш йўллари. Автореф. дисс. … канд.биол.наук. –Тошкент, 2011.-20 б.
2. Алламуратова Б.А., Алламуратова Г.Б., Алламуратова З.Б. Зоогеографический анализ паразитов рыб верхного течения бассейна р. Амударьи // Наука и общество. Нукус, 2012. №1. –С. 14-17.
3. Алламуратов Б.А. Динамика заражения паразитическими простейшими личинок карпа в прудхозе «Хорезм» // Наука и общество. Нукус, 2015. №3. -С.11-12.
4. Алламуратова Б.А., Алламуратова Г.Б. Зоогеографический анализ паразитов рыб бассейина р.Туполанг, Каратаг, Сурхандарьи в пределах Таджикистана и Узбекистана. // Паразитология. Москва, 2016. – С. 990-994.
5. Алламуратова Г.Б. Паразитофауна рыб Хорезмского прудового хозяйства. // Принципы и технологии экологизации производства в сельском, лесном и рыбном хозяйстве. Часть III. Рязань, 2017. –С. 19-21.
6. Алламуратова Г.Б. Эпизоотологическая изменчивость паразитов рыб Хорезмского прудового хозяйства и практические меры борбы с ними. // Научно-технический прогресс в сельскохозяйсвенном производстве. Великие луки, 2018. –С. 94-97.
7. Allamuratova Z.B., Allamuratova B., Allamuratova G.B. Ecological analysis of the parasite fauna of valuable and coarse fish in the lower reaches of the Amudarya delta. // Annals of the Romanian Society for Cell Biology. ISSN 1583-6258. Romania,2021. P.13418-13427.
8. Каримов С.Б. Паразиты рыб ферганской долины.: Автореф. дис. докт. биол. наук. – Ташкент: ИЗ АН РУз. 2007 -34 с.
9. Караев Р., Дадаев С., Хакбердиева Х. Паразитофауна рыб Мирзачульских каналов // Guliston davlat universiteti axborotnomasi. -Гулистан, 2016. -№1. -С.44-52

10. Курбонова А.И., Уразбаев А.Н., Юсупов О.Ю. Изменения паразитофауны некоторых видов рыб Южного Приаралья под влиянием антропогенного пресса. // Vestnik zoology / – Москва, 2002. –С.29-34.
11. Курбанова А.И., Туремуратова Г.И., Уразымбетова Н.П., Кунисов Б.М. Паразитофауна рыб некоторых водоемов республики Каракалпакстан. “Теория и практика современной науки”. // Москва,2018. №4(34). –С.34-40.
12. Курбанова А.И., Пиржанова А.М., Кунисов Б.М. Современное состояние паразитофауны рыб бассейнов Аральского моря. // Теория и практика современной науке. Москва, 2019 №2(44). –С. 35-41.
13. Курбанова А.И., Нуруллаев А.К. Особенности паразитофауны хищных видов рыб низовьев реки Амударьи // Путь науки. Волгоград, 2020. №6. (76). – С.8-11.
14. Курбонова А.И., Уразбаев А.Н., Юсупов О.Ю. Изменения паразитофауны некоторых видов рыб Южного Приаралья под влиянием антропогенного пресса // Vestnik zoology. – Москва, 2002. – С. 29-34.
15. Османов О.С. Многолетние изменения паразитофауны рыб Аральского моря // Паразитология, IX, 6. –Москва, 1975. –С.476-485.
16. Османов С.О. К гельминтофауне рыб Муйнакского района дельты Амударьи // Вестник КК отделения ФАН УзССР. – Нукус, 1960. – № 1. – С. 38-41.
17. Османов С.О. Паразиты и болезни прудовых рыб Узбекистана. – Ташкент: Наука, 1965. – 114 с.
18. Османов С.О. Паразиты рыб Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1971. – 532 с.
19. Османов С.О., Уразбаев А.Н., Арыстанов Е., Юсупов О. Паразиты рыб и водных беспозвоночных низовьев Амударьи. -Т.: Изд-во «ФАН» УзССР, 1980. – 156 с.
20. Сафарова Ф.Э. Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий сув ҳавзалари Cyprinidae оиласи балиқларининг гельминтлари: Биол. фан. б.ф.д. (PhD). дисс. – Тошкент, 2017. – 119 с.
21. Скрябин К.И. Методы полных гельминтологических вскрытий позвоночных, включая человека. – М.-Л.: Изд. МГУ, 1928. – 45 с.
22. Уразбоев А.О. Паразиты рыб в прудах Каракалпакии.: Автореф. дис. … канд. биол. наук. – Ташкент, 1973. – 32 с.
23. Шакарбоев Э.Б. Трематоды позвоночных Узбекистана (видовой состав, пути циркуляции и эколого-биологические особенности): Дис. … док. биол. наук. – Ташкент: ИЗАН РУз, 2009. – 243 с.
24. Шакарбаев У.А. Ўзбекистон шимолий-шарқий сув ҳавзалари моллюскаларида (Gastropoda: Pulmonata) трематода церкарияларининг фаунаси ва экологияси.: Автореф дис.….биол.фан.фал.док.(PhD). –Тошкент, 2017. – 46 б.
25. Юсупов О. Паразиты рыб промысловых водоемов Каракалпакии: Автореф. дис. … канд. биол. наук. – Ташкент, 1980. – 25 с.

 https://doi.org/10.66073/ReFocus-Conf/1311033